

Пул-кредит сиёсатининг асосий тамойиллари

Марказий банк инфляцион таргетлаш режими доирасида иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсатини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланади.

1. Инфляция даражаси бўйича мақсадли кўрсаткичнинг эълон қилиниши ва унга эришишнинг устуворлиги.

Иқтисодиётнинг салоҳияти, талаб ва таклифдаги ўзгаришлар, макроиқтисодий прогнозлар ва умумқабул қилинган стандартлар асосида аниқланадиган инфляциянинг эришилиши керак бўлган мақбул кўрсаткичи мақсад – таргет этиб белгиланади. Мамлакатимизда инфляциянинг эришилиши лозим бўлган ўрта муддатли мақсадли кўрсаткичи 5 фоиз этиб белгиланди ва таргет даражаси кенг жамоатчиликка (аҳолига, бизнес вакилларига ва молия бозори иштирокчиларига) эълон қилинди. Эндиликда, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган барча саъй-ҳаракатлар, чора-тадбирлар ва пул-кредит соҳасидаги қарорлар инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи – таргетига эришишга қаратилади. Мақсадли кўрсаткичга эришилиши иқтисодиёт субъектлари томонидан Марказий банк фаолиятини баҳолаш, умуман олганда, олиб борилаётган пул-кредит сиёсатига бўлган ишонч шаклланишининг асосий мезони ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, макроиқтисодий соҳада қабул қилинаётган барча қарорлар инфляцион мақсадлар билан уйғун ҳолда қабул қилиниши лозим. Марказий банк фаолиятида инфляциянинг таргет кўрсаткичига эришиш вазифаси бошқа вазифалардан устун ҳисобланади.

[Инфляциянинг 5 фоизлик таргети моҳияти](#)

2. Марказий банк асосий ставкаси пул-кредит сиёсатини юриштишнинг асосий инструменти ҳисобланади.

Марказий банк асосий ставкаси – банк тизими ликвидлигини тартибга солиш бўйича банклар билан амалга ошириладиган операцияларда қўлланиладиган фоиз ставкаси ҳисобланиб, унинг даражасини белгилаш орқали Марказий банк томонидан жалб қилинадиган ва тақдим этиладиган қисқа муддатли ресурсларнинг нархи белгиланади. Марказий банк асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича Бошқарув йиғилишлари пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларида [олдиндан белгиланган график](#) асосида йилда 8 маротаба ўтказилади. Бунда Марказий банк томонидан [асосий ставка бўйича қарорларнинг эълон қилиниши](#) билан бир қаторда унинг келгусида кутилаётган даражаси (траекторияси) бўйича сигналларнинг берилиши иқтисодиёт субъектларининг узоқ муддатли инфляцион кутилмалари шаклланишида муҳим ўрин тутди.

[Асосий ставка даражалари](#)

3. Пул-кредит сиёсати операцияларнинг механизми мустақил равишда ишлаб чиқилади ва такомиллаштириб борилади.

Пул-кредит сиёсатининг операцияларнинг механизми Марказий банкнинг асосий ставкаси ва фоиз коридори асосида ишлайди. Операцияларнинг механизми орқали Марказий банкнинг қарорлари аввал банклараро пул ва РЕПО бозорларига, кейинчалик иқтисодиётдаги депозитлар ва кредитлар фоиз ставкаларига ўтиб

боради. Натижада, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари асосида истеъмол, жамғариш ва инвестициялар бўйича қабул қиладиган иқтисодий қарорлари ялпи талаб орқали инфляция даражасига ўз таъсирини кўрсатади.

Пул-кредит операциялари ва операцияларнинг механизми

4. Пул-кредит сиёсати бўйича қарорларнинг макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлар асосида қабул қилиниши.

Марказий банкнинг асосий ставка бўйича қарорлари иқтисодий фаолликка ва ялпи талабга босқичма-босқич, маълум вақт оралиғида кечикиш билан таъсир кўрсатади. Шу сабабли, Марказий банк пул-кредит сиёсати бўйича қарорларни қабул қилишда ҳар томонлама асосланган макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлардан келиб чиқади. Бугунги кунда Марказий банк макроиқтисодий прогнозларни ишлаб чиқишда, асосан, Чораклик прогнозлаштириш моделидан (QPM) фойдаланмоқда. Бундан ташқари, бир қатор эконометрик ва таркибий моделлар прогноз натижаларини таққослашда ва тадқиқотларни амалга оширишда ишлатилмоқда. Таъкидлаш жоизки, асосий ставка бўйича қарорлар маълум даражадаги ноаниқликлар шароитида қабул қилинади. Сабаби, макроиқтисодий прогнозлар иқтисодий ривожланишнинг эҳтимолий истиқболлари, жаҳон хомашё ва молия бозорларида кутилаётган ўзгаришлар ва бошқа омиллар асосида шакллантирилади. Шу сабабли ҳам, Марказий банк пул-кредит сиёсати йўналиши бўйича қарорлар қабул қилишда омилларнинг нисбатан барқарор тенденцияларидан ва уларнинг инфляция даражасига таъсирларидан келиб чиқади. Марказий банк мамлакатдаги ва глобал иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва ноаниқликларни инобатга олган ҳолда таҳлилий-прогноزلар салоҳиятини такомиллаштириб боради.

5. Шаффоф коммуникация сиёсати – инфляцион таргетлаш режимидаги пул-кредит сиёсатининг муҳим дастаги.

Инфляцион таргетлаш режимининг асосий элементларидан бири бу пул-кредит соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг очиқлиги ва бу борадаги шаффофликнинг таъминланиши ҳисобланади. Самарали коммуникация сиёсатининг ишлаб чиқиши ва пул-кредит сиёсати соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг кенг жамоатчиликка ўз вақтида ва тушунарли тилда етказилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Инфляцион таргетлашга ўтиш даврининг бошланиши билан Марказий банк олиб бораётган фаолиятининг очиқлигига катта эътибор бермоқда. Асосий ставка кўриб чиқиш бўйича ҳар бир бошқарув йиғилиши якунлари бўйича пресс-релиз эълон қилиниши, Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари иштирокида пресс-брифинглар ташкил этилиши ҳамда “Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари”, “Пул-кредит сиёсати шарҳи” ва бир қатор таҳлилий шарҳлар ва инфографикаларнинг эълон қилиб борилиши шу йўлда қўйилган муҳим қадамлардан ҳисобланади. Марказий банк томонидан инфляциянинг таргети доирасида шаклланишининг таъминланиши ва коммуникацион шаффофликнинг оширилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг Марказий банкка бўлган ишончи ортишига ва амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати чоралари таъсирчанлигининг ошишига хизмат қилади.